

---

## ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Футбол миллионлар ўйини. Бу оммавий спорт турини Риштонда ҳам севишади. Бугунги кунда туманимизда оммавий футболни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугун Зоҳидон МФЙда Алимқул ота Холбоев хотирасига бағишланган мусобақага старт берилди.

Мусобақада тумандаги маҳаллалардан келган 24 та жамоа иштирок этмоқда. Жамоалар олти гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Бугунги очилиш маросимида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, туман спорт бўлими ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Очилиш маросимида сўзга чиққан туман ҳокими бу йил Риштонда бу каби мусобақалар кўплаб ўтказилишини таъкидлади ва мусобақа иштирокчиларига омад тилади.

2022-02-23 16:51:24